

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.04/05.06.2020.ТІВ.102.02**

**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОРТИКОВА НАРГИЗА ХАЙРУЛЛАЕВНА**

**АМБУЛАТОР СТОМАТОЛОГИК ҚАБУЛДА БОЛАЛАРНИНГ  
ПСИХОЭМОЦИОНАЛ СТРЕССИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ  
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2023**

**Фан доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertations abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ортикова Наргиза Хайруллаевна**

Амбулатор стоматологик қабулда болаларнинг психоэмоционал стрессини  
коррекциялаш орқали даволаш ва профилактика чораларининг  
самарадорлигини ошириш.....

**Ортикова Наргиза Хайруллаевна**

Повышение эффективности лечебно-профилактических мероприятий путём  
коррекции психоэмоционального напряжения детей на амбулаторном  
стоматологическом приёме.....

**Ortikova Nargiza Hayrullaevna**

Improving the effectiveness of therapeutic and preventive measures by correcting  
the psycho-emotional stress of children at an outpatient dental  
appointment.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.04/05.06.2020.ТІВ.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОРТИКОВА НАРГИЗА ХАЙРУЛЛАЕВНА**

**АМБУЛАТОР СТОМАТОЛОГИК ҚАБУЛДА БОЛАЛАРНИНГ  
ПСИХОЭМОЦИОНАЛ СТРЕССИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ  
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020. 3.PhD/Tib.1440 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ризаев Жасур Алимджанович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бекжанова Ольга Есеновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Н.Н. Бурденко номидаги Воронеж**  
**Давлат Тиббиёт Университети (Россия)**

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи **DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02** рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: [sammi@sammi.uz](mailto:sammi@sammi.uz))

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақами реестр баённомаси).

**Г.У. Лутфуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Т. Насретдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаг илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда стоматофобия болалар орасида жиддий ва кенг тарқалган муаммо бўлиб, стоматолог томонидан сифатли стоматологик ёрдам кўрсатишга тўсқинлик қилиши мумкин. Муаллифларнинг фикрича, "...тишларни даволаш пайтида беморлардаги безовталиқ хисси стоматолог билан тўлиқ ҳамкорлик қилмасликка олиб келади, бу эса стоматологик муолажаларни бажаришда қийинчиликларга ва қониқарсиз натижаларга сабаб бўлади"<sup>1</sup>. Сўнгги маълумотларга кўра ривожланган мамлакатларда бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, энг аввало, стоматолог қабулида руҳий-эмоционал зўриқишни бошдан кечираётган болалар организмида турли хил ўзгаришларни ўрганишга, руҳий-эмоционал безовталиқ хиссини коррекциялаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолашга, беморнинг физиологик ҳолатига таъсирни баҳолашга, руҳий-эмоционал зўриқиш асоратларининг олдини олиш ва сонини камайтиришга қаратилган, бу жамоатчилик саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишда муҳим вазифа ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, биринчи навбатда, стоматолог хузурида психоэмоционал стрессни бошдан кечираётган болалар организмидаги турли хил ўзгаришларни ўрганишга қаратилган. Психоэмоционал стрессни коррекциялаш бўйича ишлаб чиқилган чора тадбирлар самарадорлигини баҳолаш, беморнинг физиологик ҳолатига таъсирини баҳолаш; аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича чора тадбирларни амалга оширишда муҳим вазифа бўлган психоэмоционал стрессни асоратларнинг олдини олиш ва сонини камайтириш бугунги кундаги муҳим мақсадлардан биридир. Стоматология бўйича илмий доираларнинг деярли учдан икки қисми хавотирга тушган беморни даволаш кундалиқ амалиётда энг катта муаммо деб ҳисоблайди.<sup>2</sup> Таъкидлаш лозимки, стоматолог хузурида кўрқувда бўлган беморлар кўпинча белгиланган ташрифларни бекор қилади ва стоматологг учун профессионал стресс манбаи ҳисобланади. Қабул вақтида безовта бўлиш беморнинг стоматологга тўлиқ ишонишига тўсқинлик қилади, бу эса вақтни йўқотишга, стоматологик муолажаларни бажаришда муайян қийинчиликларга ва қониқарсиз даволаниш натижаларига олиб келади. Шунга асосланиб, тишни даволашдаги безовталиқ хисси стоматологик муаммоларни, жумладан

---

<sup>1</sup> Шаковец Н.В., Петрова А. Н. Стоматологическая тревожность детей и подростков при лечении зубов. Стоматология детского возраста и профилактика стоматологических заболеваний: сборник трудов 2-го Российского Регионального конгресса Международной ассоциации детской стоматологии IAPD. 2014; 184-186.

<sup>2</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/psihoterapiya-v-stomatologicheskoy-praktike>

асоратланган кариесни сабабчиси деб ҳисобланиши мумкин. Бугунги кунда кариеснинг кенг тарқалиши ва интенсивлиги соғлиқни сақлашнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига мутлақо янги ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгиланган, соғлиқни сақлашнинг самарали модели жорий этилиб, ижобий натижаларга эришилган. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли даволаш жараёни юқори даражага кўтарилди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари ва сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...”<sup>2</sup> тасдиқланган. Айтиш мумкин, айни вақтда соғлиқни сақлаш тизимида хали ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Стоматолог қабулида болалардаги руҳий-эмоционал зўриқишни даволашнинг муқобил усуллари йўқлиги энг катта муаммодир. Айниқса, тишни даволаш пайтида болалик даврида бошдан кечирган оғриқ ва тушкунлик бемор катта бўлганда дентофобия кучайишига ва натижада оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати, шуниндек, тишлар ҳолатининг ёмонлашишига олиб келиши жиҳатидан катта муаммодир.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармонида “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”<sup>3</sup> ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2021-сон «Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикадаги илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг етакчи илмий-амалий марказларида олиб борилган замонавий тадқиқотлар стоматофобия

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони.

оғиз бўшлиғи ва тишларнинг қисман ёмонлашишига сабаб бўлишини кўрсатмоқда (Bondarde P.). Стоматофобияга чалинган болаларда ўз тенгдошларига нисбатан оғиз бўшлиғи ҳолати қониқарсизлиги таъкидланган (Carrillo-Diaz M. et al. 2013). Болалар бошдан кечирадиган кўрқув нафақат болага таъсир қилади, балки ота-оналар ва васийлар учун потенциал стресс ва тушкун ҳолатни келтириб чиқаради. Стоматофобияга чалинган болани тиш шифокорига боришга ишонтириш ота-оналар учун жиддий муаммо (Hallberg U. et al. 2008) ва ота-оналар учун болада ваҳима бўлиши ёки кўрқувни кузатиш ҳам стрессли вазиятдир.

Стоматология билан боғлиқ безовталиқ ва стоматологик фобиянинг кенг тарқалиши 6 % дан 19 % гача, 4 -18 ёшгача бўлган болалар орасида эса ўртача 10 %ни ташкил қилади. Болаларни ўз фаолияти ва унинг натижаларини таҳлил қилишга қаратилган психологик тадқиқот усули орқали стоматологик фобия 12 % дан 17 % гача тарқалгани маълум бўлди (Klingberg G. 2017). Кучайган дентофобия (умумий балл MDAS  $\geq$  19) 12 ва 15 ёшдаги респондентларнинг мос равишда 14 % дан ва 10 % гача аниқланган, айни вақтда иштирокчиларнинг ярмидан кўпининг (12 ва 15 ёшдагиларнинг 62 % дан ва 54 %гача) руҳий-эмоционал зўриқиши ўртача даражада деб баҳоланган, умумий баҳолаш MDAS = 10–18 (Health and Social Care Information Centre, 2013). Англияда тишни даволатишдан безовталанадиган беш ёшли болаларда ўтказилган тадқиқот кариес тарқалиши ва интенсивлигининг статистик жиҳатдан юқори кўрсаткичлари қайд этилганлигини кўрсатди (Kani E. et al., 2015); кўрқув туфайли, беморларнинг 2-3 % стоматологик ёрдамдан умуман фойдаланмайди (Johren P. et al., 2017).

Стоматофобия ҳолатининг 80 % илгари тишни даволаш пайтида бошдан ўтказилган оғриқ, 27 % эса ЛОР шифокорлари томонидан манипуляция пайтида бошдан ўтказилган оғриқ стоматологик кўрқувни келтириб чиқарадиган омил ҳисобланади (Коваленко Е.Ю., Волков В.А., 2007). Амбулатор стоматологик қабулда болаларнинг психоэмоционал стрессини тавсифловчи хорижий ва маҳаллий ишлар таҳлили бу муаммонинг чуқур, илмий асосланган ечими йўқлигини кўрсатди. Шу муносабат билан, тиш шифокори қабулида болаларнинг психологик ҳолатини ўрганиш, унинг беморнинг тиш ҳолатига таъсири, биокимёвий ва физиологик кўрсаткичлар, руҳий-эмоционал зўриқишини коррекциялашнинг таклиф этилаётган усуллари самарадорлигини баҳолаш жуда муҳим ҳисобланади.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, бугунги кунда, оғир стоматофобияга чалинган болаларни даволаш самарадорлигини оширишга ёрдам беради ва тиш шифокорига боришдан олдинги руҳий тўсиқларнинг олдини олади.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №011900258 “Жағ-юз соҳасининг шикастланиши, нуксонлари, деформацияси ва яллиғланиш касалликларига чалинган беморларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилишнинг

замонавий усуллари ишлаб чиқиш”(2019-2022й) мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** амбулатор тиш шифокори қабулида болаларнинг руҳий эмоционал зўриқишини комплекс коррекциялаш орқали даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

нейропсихологик тестлар орқали болаларда стоматологик кўрқув ва безовталики қанчалик тарқалганлиги даражасини аниқлаш;

тиш шифокори қабулида бўлган ва руҳий эмоционал зўриқишни бошдан кечириётган болаларнинг соматик ҳолатини баҳолаш;

тишни даволашдан стоматологик кўрқув ва хаяжон билан боғлиқ бўлган аралаш сўлакдаги биокимёвий ўзгаришларни таҳлил қилиш;

тиш шифокори қабулида болаларда стоматологик кўрқувини, хаяжонланиш хиссини ва руҳий эмоционал зўриқишини бартараф этиш усуллари такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2019–2022 йилларда Самарқанд вилояти ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникасига мурожаат қилган 100 нафар (6 ёшдан 15 ёшгача) қабул қилинган болалар олинган ва уларнинг тиббий варақалари ўрганилган.

**Тадқиқотнинг предмети** стоматологик беморларнинг клиник, психологик ва физиологик кўрсаткичлари натижалари, аралаш сўлак таркибидаги стресс биомаркерлари, тиш қаттиқ тўқимаси ва оғиз бўшлиғини баҳолаш кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда умумклиник, биокимёвий, статистик ва нейропсихологик тест усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор амбулатор стоматолог қабулида болаларда руҳий эмоционал зўриқишининг Кердо вегетатив индекси ҳажмининг ишончли камайишига тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган;

икки омилли дисперсион таҳлил натижасида беморлардаги руҳий эмоционал зўриқишни даволаш натижасида визуал ва инструментал назорат қилишда асосий гуруҳ беморларининг 68,5 % да симпатикотония, назорат гуруҳи беморларининг 5 % да эйтониянинг аниқланганлиги орқали тиш шифокори қабулига тезроқ мослашиши исботланган.

кучли безовталик хиссига тушадиган болаларда руҳий-эмоционал зўриқишини даволашдан кейин аралаш сўлакда кортизол даражаси камайиши аниқланган;

илк бор болаларда стоматологик кўрқув ва хаяжонни барқарорлаштиришда индивидуал ёндашувини қўлланилиши орқали психоэмоционал стресснинг яхшиланганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

болалар стоматологиясида мавжуд руҳий эмоционал зўриқишни аниқлаш, олдини олиш ва коррекциялашнинг индивидуал ёндашув усули ишлаб чиқилди;

болалар амбулатор тиш шифокори қабулида беморнинг рухий эмоционал ҳолатини аниқлаш тартиби амалга оширилди;

Ўзбекистонда амбулатор тиш шифокори қабулида болаларнинг рухий эмоционал зўриқишини даволашнинг фармакологик ва фармакологик бўлмаган усуллари қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва мақсадга мувофиқлигини асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий натижаларининг ишончлилиги замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мувофиқлиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги билан изоҳланади, умумий клиник, инструментал, биокимёвий, нейропсихологик тестлар ва статистик текширув усуллари асосланганлиги, замонавий компьютер (рақамли) технологиялардан фойдаланган ҳолда барча маълумотларни қайта ишлашга асосланган, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тиш шифокори қабулида рухий эмоционал зўриқишни бошдан кечираётган болаларнинг соматик ва стоматологик ҳолатини эрта аниқланганлиги, шунингдек, стандарт даволанишнинг муқобили сифатида муқобил терапияни амалга ошириш учун зарур бўлган психоэмоционал стрессни коррекциялаш орқали, индивидуал ёндашув асосидаги даволаш усуллари стандарт давога қўшиш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, болалик даврида рухий-эмоционал зўриқишини келиб чиқишини камайтириш ва даволаниш харажатларини қисқартириш, болалардаги рухий-эмоционал зўриқишни коррекциялашга имкон берувчи амалий тавсияномалар тиббиёт амалиётига татбиқ этилганлиги билан изоҳланади. Бу эса, ўз навбатда истиқболда болаларнинг ота-онаси билан бирга кейинги амбулатор стоматологик қабулларига ихтиёрий равишда ташрифини амалга оширишга замин яратишга асос бўлади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Амбулатор стоматолог қабулида болаларда стоматологик безовталиқ ташҳисини қўйиш ва бунинг олдини олишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлашга жорий этилди:

стоматолог қабулида беморларнинг психоэмоционал зўриқиши бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган “Стоматолог қабулида беморларнинг психоэмоционал зўриқиш ҳолати” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 апрелдаги 8н-р/1068-сон) Ушбу тавсиянома психоэмоционал зўриқиш ҳолати сабабларини аниқлаш усулини қўллаш орқали даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради;

стоматолог қабулида беморларнинг психоэмоционал ҳолати бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган “Стоматолог қабулида беморларнинг психоэмоционал стрессини олдини олиш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 8н-р/1066-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома беморларнинг психоэмоционал стрессини олдини олиш усуллари мақбуллаштириш (оптималлаштириш) орқали стрессни камайтириш имконини беради;

Олинган натижалар амалий соғлиқни сақлашга, хусусан, Сурхандарё вилоят болалар стоматологик поликлиникаси ва Самарканд вилоят ихтисослаштирилган болалар стоматологик поликлиникаси фаолиятига татбиқ этилди, ва бунинг натижасида психоэмоционал стрессини коррекциялаш орқали даволаш муддатини қисқартириш ва профилактика чораларининг самарадорлигини ошириш имконияти пайдо бўлди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Илмий ишнинг **кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган нашрлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши очиб берилган.

Диссертациянинг «**Амбулатор тиш шифокори қабулида болаларда тишнинг безовта қилиш сабаблари, бунинг кенг тарқалгани ва унинг олдини олиш усуллари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Адабиётлар мушоҳадасида тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда, дунёдаги ва Ўзбекистондаги стоматологик кўрқув ва безовталик хисси туфайли кариес кенг тарқалгани ва интенсивлиги этиопатогенези, предикторларга ташхис қўйишнинг замонавий усуллари, шунингдек, стоматологик безовталик хисси муаммосининг моҳиятини очиб берувчи

адабиётларни ўрганиш тақдим этилган. Ушбу бобда муаммонинг ҳолати, фармакологик ва руҳий эмоционал зўриқишни коррекциялаш усуллари муҳокама қилинган. Юқорида қайд этилганлар бизнинг изланишимизни мақсадини белгилади.

Диссертациянинг «**Материалларнинг клиник хусусияти ва амбулатор тиш шифокори қабулида болаларда қўлланиладиган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган, клиник ва инструментал тадқиқот усуллари берилган. Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилоят ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникасига стоматологик ёрдамга мурожаат қилиб келган 6-15 ёшли 100 нафар бемор иштирок этган. Улар эса ўз навбатида икки гуруҳга бўлинган. Асосий гуруҳга руҳий эмоционал зўриқишни коррекция ўтказилган 54 нафар бола киритилган ва таққослаш гуруҳга руҳий эмоционал зўриқишни коррекция ўтказилмаган 46 бола киритилган. Текширувдан ўтказилаётган болалар физиологик ва биокимёвий ёш меъёрларига кўра ёш гуруҳларига бўлинган. (1-расм).



*1-расм Беморларнинг ёши бўйича тақсимланиши*

Тадқиқотда клиник, инструментал, лаборатор текширув усуллари ва нейропсихологик тестлар қўлланилган. Барча беморлар умумий, хусусий ва махсус усуллар ёрдамида кенг қамровли клиник ва лаборатор текширувлардан ўтказилган. Стоматологик синовдан ўтказиш (руҳий эмоционал зўриқишни бошидан ўтказиётган болаларда ва руҳий эмоционал зўриқишни коррекциялаш усуллари қўллангандан кейин кариес тарқалганлиги ва интенсивлигини, оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини ўрганиш); биокимёвий синовдан ўтказиш (руҳий эмоционал зўриқишни тузатиш усули қўлланилган ва қўлланилмаган болаларда сўлакдаги кортизол концентрацияси ўзгаришини ўрганиш) ва физиологик (сўлак ажралиши тезлиги ўзгаришини ўрганиш); соматик ҳолатни ўрганиш (қон босими ва юрак уриш тезлиги динамикасини

ва Кердо вегетатив индекси (КВИ) ўзгаришини ўрганиш); психологик синовдан ўтказиш (руҳий эмоционал зўриқиши коррекциялашнинг нофармакологик усуллари қўлланилган болаларда MDAS, DAS натижалари, Франкл ва Люшер тестлари ўзгариши), социологик тадқиқот – амбулатор тиш шифокори қабулида болаларда энг кучли қўрқувни келтириб чиқарадиган омилни аниқлаш мақсадида сўров тадқиқотлари ўтказилган. Тадқиқотда фойдаланиладиган статистик усуллар ҳам ушбу бобда таърифланган (2-расм).



**2-расм.** Руҳий-эмоционал зўриқиши коррекция ўтказилган ва коррекция ўтказилмаган болалар

6 ёшли болалар учун Люшер рангли тести ишлатилган. Ушбу услубдан хиссий зўриқиш кучайишининг индикатори сифатида фойдаланилган.

Оғиз бўшлиғи тўқималарининг ҳолати бўйича олинган маълумотларни кўриб чиқиш ва қайд этиш учун ЖССТ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “Стоматологик беморнинг тиббий картаси” (2013) деб номланган стоматологик карта ишлатилган. Стоматологик текширув, ишлаб чиқилган текшириш картасига мувофиқ, стоматологик креслода сунъий ёриклик остида ва стандарт стоматологик тўплам ёрдамида амалга оширилган.

Психоэмоционал стресс таъсирида ўзгарувчан вегетатив асаб тизими фаолиятининг кўрсаткичи вегетатив Кердо индекси орқали ўрганилди (ВКИ), уни ҳисоблаш учун юрак уруш тезлиги ва диастолик қон босимини қийматлари керак бўлади. Натижада, педиатр ва психоневролог иштирокида болаларда юрак уруш тезлиги ва диастолик қон босими икки марта ўлчанди: психоэмоционал стрессни коррекциялаш усуллари қўллашдан олдин ва кейин, аралаш сўлақдаги кортизол концентрацияси “MINDRAY” ярим автоматик биокимёвий анализатори ёрдамида, спектрофотометрик усулда “HUMAN” реактивларидан фойдаланган ҳолда ўлчанди.

Тадқиқотда олинган маълумотлар Microsoft Office Excel-2016 дастурий таъминоти ёрдамида, Intel Core-i5 шахсий компьютерида статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг “**Руҳий-эмоционал зўриқиш коррекциядан кейинги тадқиқотлар натижалари**” деб номланган учинчи бобида беморларни

дастлабки кўриқдан ўтказиш натижалари – қон босими ва юрак уриш тезлиги кўрсаткичлари, Кердо вегетатив индексини ҳисоблаб чиқиш, психологик тест, социологик сўров натижалари, биокимёвий ва физиологик тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Кузатилган бемор болаларда руҳий-эмоционал зўриқишини бошдан кечириши аниқланган (психологик тест натижаларига кўра), бу КВИ, аралаш сўлакда кортизол концентрацияси ва сўлак ажралиш тезлиги билан тасдиқланган.

Шунингдек, ушбу бобда руҳий-эмоционал зўриқишини коррекция ўтказиш усуллари ҳам таърифланган. Тадқиқотда руҳий-эмоционал зўриқишни коррекциялаш усуллари қўлландан олдин асосий гуруҳдаги ва назорат гуруҳидаги беморларда кариеснинг тарқалиши ва интенсивлиги, шунингдек, оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати деярли бир хил бўлганлиги аниқланди.

Руҳий-эмоционал зўриқишни коррекциялашнинг иложи борича кўпроқ усуллари билиш стоматологга улардан керак бўлганда фойдаланишга имкон беради, бу болаларда ижобий стоматологик тажрибага кўмаклашади. Текширилаётган беморларда ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра тишни даволашдан кўрқиб сабабларини аниқлашга муваффақ бўлинди: оғриқни кутиш, маҳаллий анестезия, турбинали дастакнинг шовқинли овози, стоматологик чироқнинг ёруғлиги, тиш шифокорининг оғиз бўшлиғи гигиенаси тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари энг кўп хавотир уйғотиши аниқланди. Ушбу кўзғаткичлар тиш шифокори қабулида беморда руҳий-эмоционал зўриқиш борлигидан дарак беради. (3-расм)




**3-расм.** Тишни даволашдан кўрқиб сабабларини аниқлаш учун социологик сўров натижалари (фоизда)

Шунингдек, болаларни стоматологик даволашга тайёрлашда асосий эътибор турбинали дастакнинг шовқинли овозининг хафсизлиги хақида тушунтириш ишларини олиб бориш кераклигини кўрсатади. Бунда маҳаллий оғриқсизлантириш (ишлатиладиган нозик кичик игналар намойиши билан) ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.


Бирламчи текширувда тишларнинг қаттиқ тўқималари кариесининг тарқалиши асосий гуруҳдаги беморларда 62,4% ни, назорат гуруҳида 64,6% ни ташкил этди. Иккала гуруҳда ҳам кариес тарқалганлиги ўртача даражада бўлган.

КПУ индекси асосий гуруҳда –  $1,82 \pm 0,27$ , назорат гуруҳида –  $1,87 \pm 0,28$ , бу кариес интенсивлигининг паст даражасига тўғри келади. (4-расм)



**4-расм.** 6 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларнинг доимий тишларида кариеснинг интенсивлиги

Бирламчи текширувда асосий ва назорат гуруҳларидаги оғиз бўшлиғининг ўхшаш гигиеник ҳолати аниқланди (РНР индекси тегишли равишда –  $2,16 \pm 0,13$  ва  $2,3 \pm 0,14$ ,  $p > 0,1$ ), бу эса оғиз бўшлиғи гигиенасининг қониқарсиз самарадорлигига мос келади. (5-расм).



**5-расм.** Оғиз бўшлигининг гигиеник ҳолати

15 ёшда сўлак таркибидаги кортизол нормаси ўғил болаларда  $8,3 \pm 0,21$  нмоль/л га, қиз болаларда  $6,2 \pm 0,20$  нмоль/л га кўпаяди. (6-расм)



**6-расм.** Ўғил болаларда сўлак ажралиши тезлиги ва сўлакдаги кортизол миқдори

Асосий гуруҳдаги ўғил болаларда сўлак ажралиши тезлиги 7,4 % га, назорат гуруҳида 16 % га камайди. Кортизол концентрацияси асосий гуруҳда 1,45 % га ва назорат гуруҳида 1,93 % га ошди.

Сўлак ажралиши тезлигининг камайиши ва аралаш сўлакда кортизол концентрациясининг ошиши ўғил болаларда кечадиган рухий-эмоционал зўриқишнинг белгисидир.

Иккала гуруҳдаги қизларни дастлабки текшириш ўтказилганда сўлакдаги кортизол концентрациясининг ортиши аниқланди. Жумладан, асосий гуруҳда 3,22%, назорат гуруҳида 3,06 % юқори. (7-расм).



**7-расм.** Қизларда сўлак ажралиши тезлиги ва сўлакдаги кортизол миқдори

Шундай қилиб, барча текширилган беморларда стоматологик даволаниш бошланишидан олдин аралаш сўлакда кортизолнинг меъеридан кўпроқ миқдордаги концентрацияси аниқланди. Аралаш сўлакдаги кортизол миқдорини кўпайиши кўрқув белгиси бўлиб, унинг беморларни ёшига нисбатан меъеридан ортиқ бўлиши кутилаётган стоматологик ёрдамни стоматологик безовталик ва хаяжон омили деб ҳисобланишидан дарак беради ва бу омилга эътибор бермаслик келажакда дентофобия ёки психосоматик касалликлар кучайишига олиб келиши мумкин.

Юрак уриши тезлиги динамикасини ўрганиш, асосий гуруҳ ва назорат гуруҳидаги беморларда дастлабки текширувда, юрак уриш тезлиги ёш меъерига нисбатан ошишини кўрсатди, жумладан, асосий гуруҳдаги 10-11 ёшли болаларда нормадан 2,02 % га, назорат гуруҳидаги 7 ёшли болаларда эса 9,14 % га ошганини кузатиш мумкин. (1-жадвал)

**1-жадвал**

**Болаларда юрак уриши тезлиги динамикаси**

Ёши	Асосий гуруҳ	Меъёрдан баланд %	Назорат гуруҳи	Меъёрдан баланд %
6	100,86±0,46	6,17	98,15±0,94	3,3
7	96,94±0,43	7,7	98,23±0,73	9,14
8-9	88,63±0,31	4,27	90,56±0,68	6,54
10-11	86,72±0,27	2,02	88,34±0,63	3,93
12	84,49±0,61	3,03	86,46±0,85	5,43
13-14	86,52±0,84	8,15	84,35±0,54	5,43
15	80,53±0,56	5,96	78,32±0,51	3,05
Статистик фарқлар беморлар гуруҳлари ўртасида ҳисоблаб чиқилган, $p < 0,05$				

Шунингдек, юрак уриш тезлигининг ошиши яқинлашиб келаётган стоматологик муолажа туфайли беморлар бошидан ўтказадиган безовталикни ва хаяжонининг натижасидир.

Диастолик қон босимини ўлчаганда, асосий гуруҳдаги ва назорат гуруҳидаги деярли барча беморларда бирламчи текширувда, унинг ёшига нисбатан меъёрдан ортиқ эканлигини кўрсатди, масалан, асосий гуруҳдаги 15 ёшли болаларда меъёрдан 1,4 % га, ушбу гуруҳдаги 7 ёшли болаларда 9,2 % га юқори. Назорат гуруҳидаги 13-14 ва 15 ёшли беморларда қон босими ёшига нисбатан меъёрининг юқори чегарасида бўлди.(2-жадвал)

2-жадвал


**Болаларда Диастолик қон босими динамикаси**

Ёши	Асосий гуруҳ	Меъёрдан баланд (%)	Назорат гуруҳи	Меъёрдан баланд (%)
6	84,34±0,56	8,1	82,53±0,45	5,8
7	85,19±0,47	9,2	81,46±0,23	4,43
8-9	85,14±0,41	9,15	83,47±0,45	7
10-11	83,48±0,48	1,8	83,44±0,50	1,76
12	85,71±0,37	4,5	84,17±0,56	2,64
13-14	88,12±0,56	2,5	84,33±0,45	Меъёрда
15	87,22±0,46	1,4	83,43±0,47	Меъёрда
Статистик фарқлар беморлар гуруҳлари ўртасида ҳисоблаб чиқилган, $p < 0,05$				

Стоматолог қабулидаги психоэмоционал зўриқиш боланинг ҳиссий ҳолатига шубҳасиз таъсир қилади, хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Ўзини етук даражада англай олмаслик, жинси, ёши, характернинг акцентуацияси ҳам аҳамиятга эга.

Боланинг организмига жисмоний таъсир қилишдан ташқари, стресснинг таъсирини кучайтирадиган ҳиссий таъсир ҳам мавжуд. Мослашувчан жараёнларда вегетатив асаб тизими муҳим рол ўйнайди, унинг ишлашини Кердо индексини ҳисоблаш орқали аниқлаш мумкин.

Қон босими ва юрак уриш тезлиги кўрсаткичлари асосида асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи беморларида КВИ(Кердо вегетатив индекси) ҳисоблаб чиқилди.( 8-расм)



8-расм. Турли ёш тоифасидаги болаларда КВИни ўрганиши

Асосий гуруҳдаги 12, 13-14 ва 15 ёшдаги болалар вегетатив асаб тизими функциясини акс эттирувчи Кердо вегетатив индекси дастлабки кўриқда салбий қийматга эга бўлди, бу парасимпатик компонент фаоллигидан дарак беради, бироқ 12 ва 13-14 ёшдаги ҳолатда нормотонус бор деб тасдиқлашимиз мумкин. Шунингдек, симпатик тонусга яқинлашадиган қийматларга қарамай, асосий гуруҳдаги 8-9 ва 10-11 ёшли болаларда нормотонус ҳақида гапириш мумкин.

Ёши каттароқ беморларда КВИ 0 қийматига яқинлашиш тенденцияси, яъни вегетатив асаб тизимининг симпатик ва парасимпатик компонентлари маромига келиши кузатилмоқда. Вегетатив асаб тизими симпатик компонентининг кўзғалиши айниқса 6-7 ёшли болаларда кучли.

КВИни ҳисоблаш асосида беморларда руҳий-эмоционал зўриқиш бор, деб айтишимиз мумкин.

Кердо вегетатив индексини ҳисоблашда олинган натижаларни таҳлил қилишда иккала гуруҳдаги ўғил болалар ўртасида аниқ фарқлар йўқлиги аниқланди. Балоғат ёши яқинлашгани сайин Кердо вегетатив индекси қиймати аниқ пасайиши кузатилади ( $p < 0,05$ ), бу беморлар организмларининг мослашиш имкониятлари яхшиланиши ва вегетатив асаб тизимига тушадиган босим камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Кердо вегетатив индексининг барча ёшдаги ва барча гуруҳлардаги болаларда руҳий-эмоционал зўриқишга кучли боғлиқлиги мавжуд (20 % дан ортиқ,  $p < 0,05$ ), бу эса икки омилли дисперсион таҳлил билан аниқланди ва тадқиқотлар натижасида руҳий-эмоционал зўриқишни коррекциялаш усулларида фойдаланмаган болаларда амбулатор тиш шифокори қабулидаги шароитларга қийинроқ мослашади деб таъкидлаш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Кердо вегетатив индексини аниқлаш орқали руҳий-эмоционал зўриқишни коррекциялаш усуллари қўллангунига қадар симпатикотония асосий гуруҳдаги беморларнинг 68,5 % га, назорат гуруҳида беморларнинг 89,13%ида аниқланди. Назорат гуруҳидаги 13-14 ёшли беморларда эйтония аниқланади (барча беморларнинг 5%).

Аниқланган симпатикотония руҳий-эмоционал зўриқишдан, вегетатив асаб тизими ҳаддан ташқари зўриққанлигидан дарак беради, болада соматик касалликлар бўлса, бу уларнинг кечишини сезиларли даражада ёмонлаштириши мумкин. Олинган натижалар, айниқса, бошланғич мактаб ёшидаги болаларда руҳий-эмоционал зўриқишни коррекциялашнинг дастлабки усуллари қўллаш зарурлигини кўрсатади. Биринчи навбатда, вегетатив асаб тизимининг реактивлиги организмнинг қон томир тонусига таъсир қилади, бу сурункали касалликлар мавжуд бўлганда руҳий-эмоционал зўриқишни кучайтириши ва стоматологик даволанишга салбий муносабатни янада кучайтириши мумкин.

Шундай қилиб, Кердо вегетатив индекси инвазив бўлмаган индекс бўлиб, стоматологик беморларда вегетатив асаб тизимининг турини аниқлаш учун мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тишни даволашдан кўрқиннинг модификацияланган шкаласига кўра деярли барча беморларда руҳий-эмоционал зўриқишнинг юқори даражаси

аниқланди; назорат гуруҳидаги барча 7 ёшли, 12 ёшли, 13-14 ёшли болалар ва 8-9 ёшли болаларда дентофобия аниқланди. Асосий гуруҳидаги 10-11 ёшли болалар ва назорат гуруҳидаги 15 ёшли болалар ўртача даражадан юқори кўрсаткични ташкил қилиб (текширилган болалар умумий сонининг 15 %) истисно ҳисобланади. (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Беморларда MDAS тести натижалари

Ёши	Асосий гуруҳ (балл)	Рухий- эмоционал зўриқиш даражаси	Назорат гуруҳи (балл)	Рухий- эмоционал зўриқиш даражаси
7	19,16±0,56	Юқори	19,23±0,56	Юқори
8-9	18,65±0,56	Юқори	19,14±0,43	Юқори
10-11	17,52±0,64	Ўрта	22,31±1,09	Юқори
12	20,13±0,63	Юқори	19,15±0,88	Юқори
13-14	19,63±0,51	Юқори	20,13±0,60	Юқори
15	18,3±0,37	Юқори	17,1±0,24	Ўрта
Статистик фарқлар гуруҳлар ўртасида ҳисоблаб чиқилган, p<0,05				

DAS шкаласи стоматологик муолажадан қўрқувни аниқлаш учун хизмат қилади. Олинган натижалар MDAS маълумотларини тасдиқлайди: 7, 12, 13-14 ёшли болалар дентофобияни бошидан ўтказди (балларнинг ўртача суммаси 17 дан юқори). Шунингдек, у назорат гуруҳидаги 8-9 ёшли болаларда аниқланди. 10-11 ва 15 ёшли болаларда ўртача рухий-эмоционал зўриқиш аниқланди. Қолган болаларда юқори даражадаги рухий-эмоционал зўриқиш кузатилди.(4-жадвал)


### 4-жадвал

#### Асосий гуруҳ беморларида DAS тести натижалари (Корах бўйича)

Ёш	Асосий гуруҳ (балл)	Дентофобия борлиги	Назорат гуруҳи (балл)	Дентофобия борлиги
7	17,3±0,55	ижобий	17,21±0,33	ижобий
8-9	16,53±0,83		17,41±0,35	ижобий
10-11	15,43±0,63		16,12±0,38	
12	17,4±0,47	ижобий	17,2±0,45	ижобий
13-14	18,51±0,49	ижобий	17,2±0,43	ижобий
15	15,1±0,34		16,2±0,47	
Статистик фарқлар гуруҳлар ўртасида ҳисоблаб чиқилган, p <0,05				


Франкл тести ўтказилиши, умуман олганда, болаларнинг кўпчилиги тиш шифокорига боришга салбий муносабатда эканлигини аниқлади. F++ ва F+ ҳамда F- ва F- - бирлаштирилган баҳолар ҳисоб-китоби бундан дарак беради (ўртача 60 % дан юқори). Франкл тестига кўра 15 ёшли беморларни тиш соғлиғини сақлашга қизиқиши кўпроқ. Ушбу маълумотлар DAS маълумотларига мос келади, унга кўра мазкур тоифадаги болалар амбулатор

тиш шифокори қабулида руҳий-эмоционал зўриқишни осонроқ енгиб ўтади.(9-расм)



**9-расм.** Болаларда (Франкл бўйича) стоматологик даволанишга бўлган муносабатни ўрганиш натижалари

Руҳий-эмоционал зўриқиш даражалари Франкл бўйича синовдан ўтказиш тоифаларига (ўзини тутиш тоифаси) ва тишни даволашдан қўрқиш даражасига мос келади (Корах ва MDAS бўйича тест натижаси).(10-расм).



**10-расм.** Руҳий-эмоционал зўриқиш даражасининг стоматологик даволанишга бўлган муносабатига, тишни даволашдан қўрқиш даражасига ва дентофобия мавжудлигига боғлиқлиги

Ҳар бир рухий-эмоционал зўриқиш даражасига боланинг ўзига хос хатти-ҳаракати мос келади:

-рухий-эмоционал зўриқишнинг паст даражаси: болалар тиш шифокорининг муолажасидан кўрқмайди, хотиржамлик билан оғзини очади, мулоқот қилади, саволлар беради. Юрак-қон томир тизимининг функционал кўрсаткичлари ва Кердо вегетатив индекси меъёрга мос келади;

